

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib. 30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**КАЗАКОВА ЕВГЕНИЯ ИВАНОВНА**

**ВИРУСНИНГ КОВАЛЕНТ ЁПИҚ ҲАЛҚАСИМОН ДНКСИНИ  
АНИҚЛАШ ОРҚАЛИ ГЕПАТИТ В НИНГ  
ЯШИРИН ШАКЛЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Казакова Евгения Ивановна**

Вируснинг ковалент ёпиқ ҳалқасимон ДНКсини  
аниқлаш орқали гепатит В нинг яширин шаклларини  
ташхислаш хусусиятлари..... 3

**Казакова Евгения Ивановна**

Особенности диагностики скрытых форм  
гепатита В путем определения ковалентно замкнутой кольцевой  
ДНК вируса ..... 19

**Kazakova Evgeniya Ivanovna**

Diagnostic features of occult form of hepatitis B by determining  
circular covalently closed DNA of the virus..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Тиб. 30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**КАЗАКОВА ЕВГЕНИЯ ИВАНОВНА**

**ВИРУСНИНГ КОВАЛЕНТ ЁПИҚ ҲАЛҚАСИМОН ДНКСИНИ  
АНИҚЛАШ ОРҚАЛИ ГЕПАТИТ В НИНГ  
ЯШИРИН ШАКЛЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2PhD/Tib608 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жураев Ривожиддин Хафзуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Шадманова Наргиза Абитовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Хегай Татьяна Рудольфовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Федерал бюджет илмий муассасасининг  
Екатеринбург вирусли инфекциялар илмий-  
тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказ ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» апрел соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел./факс: +99878-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 820 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «4» апрел кuni тарқатилди.

(2022 йил «4» апрел даги 5 - рақамли реестр баённомаси).



**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши асосдаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши асосдаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Н.С. Атабеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши асосдаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сурункали вирусли гепатит В (СВГВ) ва унинг HBsAg манфий бўлган беморлар гепатоцитларида гепатит В вирусининг ДНКси сақланиши билан ифодаланувчи яширин шакли дунё миқёсида долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Вирусли гепатит В нинг яширин кечиши жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома каби асоратларнинг ривожланишига олиб келади. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, 2015 йилда «...вирусли гепатитлар туфайли 1,34 миллион киши вафот этган. 2015 йилда вирусли гепатит туфайли кузатилган ўлимларнинг асосий қисми сурункали жигар касаллиги (цирроз туфайли 720 000 ўлим ҳолати) ва бирламчи жигар саратони (гепатоцеллюляр карцинома туфайли 470 000 ўлим ҳолати) билан боғлиқ. 2015 йилда бутун дунё бўйлаб 257 миллионга яқин одам сурункали вирусли гепатит В инфекцияси билан яшаган...»<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда «...ВГВ яширин шаклининг тарқалиши турли мамлакатларда 1% дан 87% ни ташкил этади. ВГВ яширин шаклининг В ва С генотиплари Хитойда 45,5%, Жанубий Кореяда С2 генотипи 1,7%-6,6% тарқалган...»<sup>2</sup>. Шу жиҳатдан, вирусли гепатит В яширин шаклининг ташхисот усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш амалий тиббиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда юқори технологияларнинг ривожланиши туфайли улардан фойдаланиш имкониятлари янада қулайроқ бўлиб бормоқда. ВГВ нинг яширин шаклини ташхислаш учун гепатоцитга интегрирланган гепатит В вируси геномининг қисмини ПЗР усулида аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКни фақат гепатоцитларда аниқлаш мумкин ва бу оккульт гепатит В ташхисини қўйиш учун асосий ташхисот маркери ҳисобланади. Бу борада, амалий соғлиқни сақлаш ва вирусли гепатит В нинг олдини олиш учун яширин шаклдаги беморларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш...»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган.

<sup>1</sup> WHO Global hepatitis report, 2017; [www.who.int/publications/i/item/global-hepatitis-report-2017](http://www.who.int/publications/i/item/global-hepatitis-report-2017); p.10

<sup>2</sup> Manoochehr Makvandi. Update on occult hepatitis B virus infection. World J Gastroenterol. 2016. - Oct 21; 22(39): 8720–8734.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш даражасини янги босқичга кўтариш, даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, ҳамда сифатли тиббий ёрдамда инновацион технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган ва тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Республикамизда фан ва технологиялари ривожлантиришининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларининг доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Вирусли гепатит В нинг оккульт шаклини ташхислаш дунёда жуда кам ўрганилгандир. ГВВ нинг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКсини фақат гепатоцитларда аниқлаш мумкин ва бу оккульт гепатит В ташхисини қўйиш учун асосий ташхисот маркери ҳисобланади (Lixia Guo. et al., 2018). Ушбу усул жуда аниқ ва юқори специфик ҳисобланади, аммо ташхисот муолажаси биопсияни қўллашни талаб этади ва стандартлаштирилган тижорат тўпламларининг йўқлиги туфайли мураккаблашади.

Турли мамлакатларда оккульт гепатит В тарқалишини баҳолашнинг кенг қўлами мавжуд. Турли маълумотларга кўра, сурункали гепатит В билан касалланган беморларнинг умумий сонига нисбатан оккульт гепатит В тарқалиши 7% дан 18% ни ташкил этади (Song E. et al., 2019; Bhatti F. et al., 2017; Yuen M. et al., 2010). Ушбу маълумотлар оккульт гепатит В билан касалланган беморлар қон зардобиди ва жигар биоптатларида гепатит В вирусининг (ГВВ) ДНК миқдори жуда паст бўлганлиги сабабли жуда кам баҳоланган. Шундай қилиб, оккульт гепатит В билан касалланган беморлар қон плазмасидаги ГВВ ДНК виремиясининг даражаси 200 ХБ/мл дан пастроқ кўрсатилган, аммо 90% дан ортиқ беморлар қон зардобиди ГВВ ДНК миқдори 20 ХБ/мл ни ташкил этади (Morales-Romero J., 2014). ГВВ ДНКсининг бундай паст даражалари ва уларнинг тебранишлари ҳатто ГВВ ДНКни таҳлил қилиш учун мавжуд стандартлаштирилган ва ўта сезгир тўпламларнинг қўлланилишига қарамасдан оккульт гепатит В ни аниқлашни қийинлаштиради.

Ўзбекистонда вирусли гепатит В нинг яширин шакллари ташхислаш илгари ўрганилмаган. Гепатит В вирусининг молекуляр-генетик хусусиятларини ва генотипларнинг тарқалишини ўрганиш бўйича маълумотлар гепатит В га қарши эмлашни жорий этиш даври билан боғлиқ бўлган айрим илмий ишларда келтирилган (Даминов Т. ва бошқалар., 2003; Таджиев Б.М. ва бошқалар., 2008;

Avazova D. et al., 2008). Аммо, ушбу тадқиқотларда ГВВнинг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Вирусология илмий-тадқиқот институтининг ПЗ-2017090726 «Сурункали В ва Д гепатитларнинг турли вариантлари натижасида жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланиш хавфини баҳолаш ҳамда уларнинг олдини олиш, башоратлаш ва даволашнинг дифференциал ёндашув усулларини ишлаб чиқиш» (2020-2018 йй.) илмий тадқиқот ишлар режаси, шунингдек, Вирусология ИТИ ҳамда Пастер номидаги Санкт-Петербург эпидемиология ва микробиология илмий-текшириш институти ўртасидаги ҳамкорлик Меморандуми режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли генезли гепатитлар билан касалланган беморларда вируснинг ковалент ёпиқ ҳалқасимон ДНК сини текшириш орқали гепатит В нинг яширин шаклларини ташхислаш хусусиятларини аниқлаш ҳамда касалликнинг оккульт шаклида гепатит В вирусининг молекуляр-биологик хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

номаълум генезли гепатитлар билан касалланган беморларда гепатит В яширин шаклининг маркери сифатида ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКни аниқлаш аҳамиятини real-time ПЗР усулини такомиллаштириш орқали баҳолаш;

гепатит В нинг яширин шакли бўлган беморлар орасида гепатит В вирусининг генотипларини аниқлаш;

гепатит В вируси субтиплари бўйича олинган нуклеотид кетма-кетликларнинг филогеник тавсифини таҳлил қилиш;

вирус фенотипи ва дориларга чидамлилиги билан боғлиқ бўлган молекуляр-генетик тавсифларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш;

вирусли гепатит В нинг яширин шаклларини аниқлаш учун лаборатор-ташхисот алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2013-2018 йилларда Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникасида 19-63 ёшдаги 79 нафар сурункали вирусли гепатит В, С, Д, ноаниқ этиологияли гепатитлар ташхиси қўйилган беморлар ва соғлом жигар донорлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида сурункали вирусли гепатит В, С, Д, ноаниқ этиологияли гепатитлар билан касалланган беморларнинг клиник намуналари, соғлом жигар донорлари (вирусли гепатитлар маркерлари мавжудлигини аниқлаш учун қон плазмаси ҳамда гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси ва Сенгер бўйича секвенирлашни амалга ошириш учун жигарнинг биопсия материали) олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш учун умумклиник, биокимёвий, молекуляр-биологик, инструментал ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлигини аниқлаш учун real-time ПЗР усули такомиллаштирилган;

вирусли гепатит Внинг яширин шаклини ташхислашда гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКсининг ташхисий аҳамияти исботланган; ноаниқ генезли гепатитларда вирусли гепатит Внинг оккульт шакли катта улушни ташкил этиши аниқланган;

филогенетик таҳлилни амалга ошириш орқали гепатит В вируси D1, D2 ва D3 субтипларининг Pre-S1/Pre-S2/S қисмларининг нуклеотид ўхшашлиги асосланган;

вирусли гепатит Внинг яширин шакли бўлган беморлардан олинган нуклеотид кетма-кетликларда специфик мутациялар мавжудлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

вирусли гепатит В яширин шакларини ташхислашда гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКни аниқлашнинг аҳамиятли роли баҳоланган;

ноаниқ этиологияли гепатитлар ҳамда С гепатити бўлган беморларда ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКни аниқлаш усулидан фойдаланиш тавсия этилган;

вирусли гепатит В нинг яширин шакларини аниқлаш учун лаборатор-ташхисот алгоритмини ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлик, беморларнинг етарли сони, қўлланилган серологик, молекуляр-биологик ва статистик таҳлил усулларининг асосланганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов берилганлиги, шунингдек, вирусли гепатит Внинг яширин шакларида гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлигини аниқлашни ўрганишни баҳолаш натижасида олинган маълумотларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан изоҳланади. Статистик усуллардан фойдаланиш натижаларининг ишончлилиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотда вирусли гепатит Внинг яширин шакларини ташхислаш усули мослаштирилган. Сўнгги йилларда вирусга қарши давони кенг қўллаш, гепатит В вирусининг мутант штаммларининг пайдо бўлишига олиб келди ва уларни тижорат тест тўпламлари ёрдамида одатий равишда аниқлаш қийиндир. Ҳозиргача бир қатор ҳолатларда вирусли гепатит В ташхисоти қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки касалликнинг намоён бўлиши ва кечиши жуда хилма-хилдир. Диссертация тадқиқотида ўтказилган филогенетик таҳлил ноаниқ этиологияли гепатит бўлган беморларда гепатит В вирусининг D1 субгенотиби аниқланганлигини кўрсатди ва адабиётларда бизнинг худудимизда ушбу субгенотип энг кўп учраши баён этилган.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, мослаштирилган усул вирусли гепатит Внинг яширин шаклари ташхисотини амалга ошириш имконини беради. Жуда кўп миқдордаги тижорат тест тўпламлари мавжудлигига қарамай, гепатит Вни аниқлаш лаборатория ташхисоти учун мураккаб вазифадир. Гепатит В яширин шаклининг белгиси сифатида ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКни аниқлаш ташхисотда, тўғри давони танлашда ва касалликнинг



оқибатини башорат қилишда, шунингдек беморларда оғир асоратлар ривожланишининг олдини олишда муҳим усулдир. Гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКсини аниқлаш учун ишлаб чиқилган лаборатор-ташхисот алгоритми вирусли гепатит В нинг яширин шакллари аниқлаш имконини беради. Вирусли гепатит Внинг яширин кечишини аниқлаш инфекциянинг тарқалиши ва беморларда касалликнинг ножўя оқибатларини камайтиришга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вирусли гепатит Внинг яширин шаклларида гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлигини аниқлашни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Вирусли гепатит Внинг яширин шаклини ташхислашнинг модификацияланган усули бўйича олинган натижалар асосида «Вирусли гепатит Внинг яширин шаклини ташхислашнинг модификацияланган усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 28 февралдаги 8н-д/35-сон маълумотномаси). Натижалар номаълум этиологияли гепатит ташхиси қўйилган беморлар орасида вирусли гепатит Внинг яширин шаклини аниқлаш имконини берган;

олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд ва Наманган вилоят юқумли касалликлар шифохоналари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 декабрдаги 08-09/18184-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ножўя оқибатлар сонини камайтириш ва беморларга этиотроп давони буюриш имконини берган. Иқтисодий самарадорликка беморларни касалхонага ётқизиш харажатларини камайтириш ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларини камайтириш орқали эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Халқаро GenBank маълумотлар базасида KY210468–KY210499 рақами остида 32 та нуклеотид кетма-кетликлар депонентланган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, изланишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети ҳамда республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари тасвирланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, рўйхати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг «**Гепатит В вирусининг молекуляр-биологик тавсифи ҳамда вирусли гепатит Внинг яширин кечиш шакллари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги мавзуга доир манбаларнинг таҳлили ёритилган. Гепатит В вирусининг молекуляр-биологик тавсифи тўғрисидаги замонавий қарашлар, гепатит В вирусининг антиген оқсиллари, гепатит В вирусининг генотиплари, гепатит В вируси геномидаги мутациялар, шунингдек, вирусли гепатит В кечишининг яширин шакллари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар, жигар биопсиясида гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлигини аниқлашнинг модификацияланган усули тасвирланган, гепатит В вирусининг S ва Pol соҳаларини Сенгер бўйича секвенирлаш усули келтирилган, олинган нуклеотид кетма-кетликларда мутациялар мавжудлигининг баҳоланиши ва уларнинг филогенетик таҳлили баён этилган.

Тадқиқотни амалга ошириш учун 2013 йилнинг июл ойидан 2018 йилнинг март ойигача бўлган даврда Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникасининг жадал даволаш бўлимига ётқизилган беморлардан олинган жигар биопсияси ва қон плазмаси клиник намуналари материал сифатида қўлланилди. Тадқиқотга жами 79 нафар бемор қамраб олинди. Беморлар 19 ёшдан 63 ёшгача бўлиб, улардан 16 нафарини аёллар (20,2%) ва 63 нафарини (79,8%) эркаклар ташкил этди. Барча текширилган беморлар орасида вирусли гепатит Внинг оккульт шакли 22 ҳолатда (27,8%) аниқланди. Вирусология илмий-тадқиқот институтида беморлар қонида вирусли гепатит маркерлари мавжудлигини аниқлаш учун текширувлар ўтказилди, инструментал эластография, жигар биопсиясининг морфологик текшируви амалга оширилди, шунингдек, вирусли гепатит Внинг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлиги ўрганилди. Гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлиги аниқланган тақдирда, гепатит В вируси геномининг large S protein (S) gene, polymerase (Pol) gene, middle S protein (S) ва S protein (S) соҳалари қўшимча тарзда Сенгер бўйича секвенирланди.

Диссертациянинг «**Гепатит В вирусининг ҳалқасимон ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлигини аниқлашнинг аҳамияти**» деб номланган учинчи бобида вирусли гепатит Внинг яширин шакли ташхисоти натижалари баён этилган. Эластография, цитология ва зардоб M2BP фиброз маркерларининг яққол ривожланган даражасига эга жигардаги сезиларли ўзгаришлар кузатилган беморлар тадқиқотга қамраб олинди. Фибросканирлаш билан бажарилган эластографиянинг медиана қиймати 2.65, F3 модасида дисперсия 1,046 ни ташкил этди. Бунда 53,0% беморларда жигар фиброзининг даражаси F3-F4 ни ташкил этди.

Мослаштириш учун Pollicino T. ва ҳаммуаллифларининг 2013 йили модификация қилинган усули асос қилиб олинди ҳамда реал вақтдаги полимераза занжирли реакция (ПЗР) учун TaqMan зондлари қўлланилди. Реал вақтдаги детекцияли ротор типдаги амплификаторлар билан ишлашда тестни мослаштириб олиш учун усулни модификациялаш зарур эди (чунки оригинал усул планшет типдаги амплификаторлар ва якуний нуқта бўйича детекция учун мўлжалланган эди). Бир қатор тажрибалар давомида ротор типдаги амплификаторлар учун амплификациянинг вақти ва ҳароратининг оптимал нисбати топилди (1-жадвал).


### 1-жадвал

#### Ротор типдаги ускуналар учун амплификация дастури

Амплификация босқичлари	Вақт	Ҳарорат	Такрорлашлар сони
Денатурация	5 дақиқа	95°C	1
Денатурация	30 сония	95°C	40 (Orange (ROX) канали бўйича сигнал детекцияси)
Қиздириш (отжиг)	30 сония	57°C	
Элонгация	60 сония	72 °C	
Якуний элонгация	5 дақиқа	72 °C	1

Тадқиқот натижасида гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКси мавжудлигини аниқлаш учун мослаштирилган усул ёрдамида вирусли гепатит Внинг яширин шакли вирусли гепатит С ташхиси қўйилган гуруҳдаги 18 нафар бемордан 13 нафарида (72,2%) ва номаълум этиологияли сурункали гепатит ташхиси қўйилган 21 нафар беморнинг 16 нафарида (76,1%) аниқланди.

Вирусли гепатит Внинг оккульт шаклида аксарият ҳолларда вируснинг репликацияси ва геномларнинг экспрессияси шундай бостирилган бўлиши мумкинки, бунда бемор жигарининг тўқимасида вирус кучи жуда паст бўлади ва ҳатто вирусли гепатит Вда ДНКни стандарт усуллар орқали аниқлаш имкони бўлмайди, аммо репликацияни бостириш вақтида вирус элиминацияси кузатилмайди. Периферик қонда HBsAg бўлмаслигига қарамай, оккульт гепатит В бўлган беморлар бир ёки бир неча серологик маркерлар бўйича касаллик кечиши фазасига қараб серологик ижобий ҳисобланади (анти-HBs, HBeAg, анти-HBe, анти-HBcor). Бироқ адабиётлардаги маълумотларга кўра, вирусли гепатит Внинг барча маркерлари бўйича беморларнинг 20% дан ортиғи серологик салбийдир (Locarnini S., 2014). Ушбу тадқиқотда вирусли гепатит Внинг оккульт шакли бўлган беморларнинг 4 нафарида (19,0%) – HBsAb, 7 нафарида (33,0%) – HBeAg, фақат битта ҳолатда (4,7%) – HBeAg ва 3 та ҳолатда (14,0%) – HBeAb аниқланди. Бинобарин, 11 нафар беморда (55,0%) вирусли гепатит Внинг биронта ҳам маркери аниқланмади.



**1-расм. Беморларнинг ташхисларидан келиб чиққан ҳолда ГВВ халқали ковалент ёпиқ ДНК (1 та гепатоцитга ш.б.) таркибининг таҳлили**

Шунингдек, ушбу тадқиқотда турли ташхис қўйилган беморларда гепатит В вирусининг халқали ковалент ёпиқ ДНК миқдори муҳим аҳамият касб этди. Гепатит В вирусининг (ГВВ) халқали ковалент ёпиқ (ХКЕ) ДНК таркибини миқдорий баҳолашда вирусли гепатит Внинг сурункали кечиши кузатилган беморлар жигар тўқималарида ўрта ҳисобда 2,4 шартли бирлик (ш.б.)/хужайра (ХКЕ ДНК кўринишида ГВВ геномининг хужайрага 1,2 дан 3,6 нусхасигача), СВГВ+Д бўлган беморларда ўрта ҳисобда 0,7 (ш.б.)/хужайра (ХКЕ ДНК кўринишида ГВВ геномининг хужайрага 0,12 дан 0,94 нусхасигача), ВСГ+ВГВ коинфекцияси бўлган беморларда 0,52 (ш.б.)/хужайра (ХКЕ ДНК кўринишида ГВВ геномининг хужайрага 0,27 дан 0,74 нусхасигача), сурункали ВСГ ташхиси қўйилган беморларда ўрта ҳисобда 0,12 (ш.б.)/хужайра (ХКЕ ДНК кўринишида ГВВ геномининг хужайрага 0,03 дан 0,2 нусхасигача), вирусли гепатит Внинг яширин шакли аниқланган беморларда 0,2 (ш.б.)/хужайра (ХКЕ ДНК кўринишида ГВВ геномининг хужайрага 0,01 дан 0,27 нусхасигача) аниқланди. Беморларнинг ташхисларидан келиб чиқиб, 1-расмда кўрсатилган ГВВ ХКЕ ДНК (1 та гепатоцитга нусхалар) таркибининг статистик таҳлили ўтказилди.


Адабиётлар маълумотларига кўра, СВГВ аниқланган беморларда ўртамеъна фаоллик билан деярли ҳар бир гепатоцит касалланган (ўрта ҳисобда 1,7 (ш.б.)/хужайра, яъни ХКЕ ДНК кўринишида ГВВ геномининг хужайрага 0,3 дан 2 нусхасигача), касаллик табиий кечаётган ҳар хил фазали гуруҳларда эса (иммун назорати ва рефаоллик) ГВВ ХКЕ ДНК даржаларида тафовут кузатилмаган (ўрта ҳисобда 1,02 (ш.б.)/хужайра), шу билан бир қаторда, HBsAg нофаол ташувчиларида ХКЕ ДНК даражаси ўрта ҳисобда 0,15 (ш.б.)/хужайра бўлган (Семенов А.В. ва бошқалар., 2014). Шундай қилиб, олинган натижалар

жигар фибрози ва циррозининг турли даражадаги фаоллиги кузатилган СВГВ билан касалланган беморларда ГВВнинг ХКЁ ДНКсининг юқори даражасини кўрсатди ҳамда, аксинча, ёндош инфекцияларда, жумладан, HBsAg салбий бўлган беморларда жигарнинг касалланган ва касалланмаган хужайраларининг анчагина паст нисбати ҳамкасбларнинг ВГС ва ВГД билан ҳамроҳ касалланишда ГВВ репликациясининг паст даражасини кўрсатган изланишларига мос келади. Бу Alghamdi A. et al., 2013 томонидан қонда HBsAg даражаси жигарда ГВВ ДНК таркиби билан корреляцияланиб, унинг мутлақ миқдорини эмас, балки транскрипцион фаол ГВВ ХКЁ ДНКни аниқлаш борасида этилган фикрларининг исботи бўлиши мумкин. Бунда зардобда HBsAb мавжуд эмаслиги, эҳтимол, жигар тўқимасида ГВВ ХКЁ ДНК паст миқдорини намоён этса керак.

Оккульт гепатит В кам учрайдиган касаллик ҳисоблансада, ўтказилган тадқиқотлар ноаниқ этиологияли гепатит ташхиси қўйилган ва ВГС хавфли кечаётган беморларда унинг тарқалиши анча юқорилигини кўрсатди. Бундай юқори даража – 76,1% текширувга қамраб олинган барча беморларда ёрқин ифодаланган жигар фибрози бўлгани билан изоҳланади. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш жойизки, ХКЁ ДНК ўртача таркиби 1 та гепатоцитга 0,2 нусхани ташкил этди. Бу жуда паст кўрсаткич, бундай паст миқдорда вирус мавжуд бўлганида уни эскича усуллар билан аниқлаш анча мураккабдир. Аммо сурункали кечишда вирус заррачаларининг ҳатто шундай катта бўлмаган миқдори ҳам жигар фибрози, циррози ва гепатоцеллюляр карцинома каби жиддий асоратларга олиб келиши мумкин. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, беморлар гуруҳи ортганида оккульт ВГВ тарқалиш частотаси бундай беморлар орасида ўзгаради ва анча юқори бўлади. Ушбу тахмин хорижий ҳамкасбларнинг вирусли гепатит юқори эндемик бўлган худудларда жигарнинг оғир касалланиши кузатилган беморларда HBsAg салбий бўлганида оккульт ВГВ тарқалиш даврийлиги (частотаси) 59,0% ни, гепатоцеллюляр карцинома билан касалланган беморларда эса бу кўрсаткич – 85% гачани ташкил этганлиги билан билвосита тасдиқланади (Huang X., 2014). Бунда ноаниқ этиологияли гепатит билан касалланган беморлар жигаридаги паст даражадаги ГВВ ХКЁ ДНКси СВГВ бўлган беморлар билан таққосланганда бошқа тадқиқотчилар маълумотларига зид келмайди (Wong D.K. et al., 2015).

Диссертациянинг «**Олинган нуклеотид кетма-кетликларнинг молекуляр-генетик тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида олинган нуклеотид кетма-кетликларнинг филогенетик таҳлили ва мутацияларнинг мавжудлиги баҳоланган. Барча намуналар учун генотип ва субтип аниқланган. 55 та изолятларнинг филогенетик таҳлил асосида сурункали гепатит ифодаланган жигар фибрози ва циррози билан кечган беморлар текширилганда уларда фақат Марказий Осиёда энг кенг тарқалган ВГВ D генотиби аниқланди. Бунда ВГВ D1 субтипи (84,3%) D3 (9,4%) ва D2 (6,3%) субтипларига қараганда кўпроқ учраши кузатилди (2-расм). Фрагмент кетма-кетликларни таҳлил қилишда гуруҳда нуклеотид ўхшашлик  $99,10 \pm 0,4\%$  ни ташкил этди.

Аниқланишича, ўрганилган гуруҳда жинсий мансублик беморларнинг ёши ва географик жойлашуви каби ВГВ субтипларининг тарқалишида аҳамиятли бўлган омиллар сирасига кирмайди.



**2-расм. Текширилган гуруҳда ВГВ геновариантларининг учраш частотаси (D1 – 84,38%, D2 – 6,3%, D3 – 9,4%)**


Бирок гуруҳ таркибида, яъни ифодаланган жигар фибрози билан клиникага муурожаат қилганлар орасида эркаклар сони аёллар сонидан 4 марта кўп бўлди. Вирус генотипининг Ўзбекистоннинг географик ҳудудлари билан боғлиқлиги кузатилмади. Масалан, гуруҳлар ичидаги нуклеотид ўхшашлик 99,0% дан ошган ВГВ D3 субтипи бўлган беморлар республиканинг турли ҳудудларидан бўлган: Тошкент, Бухоро ва Наманган. Бу у ёки бу генотип ва/ёки субтипларнинг тарқалиши географик яқинликдан кўра, кўпроқ юқиш йўлларига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Текширилган гуруҳда ВГВ нинг аниқланган геновариантлари, умуман олганда, Ўзбекистон ва Марказий Осиё учун хосдир. Вирусли гепатит В нинг оккульт шаклида вирус геновариантларининг тақсимланиши таҳлил қилинганда, фақат битта D3 субгенотипидан истисно тариқасида аксарият ҳолларда ВГВ D1 субгенотипи аниқланди.

Шундай қилиб, ВГВ субгенотипларининг тарқалишини баҳолашда беморларнинг ўрганилган гуруҳида бизнинг ҳудудимиз учун хос бўлган ВГВ D1, D2 ва D3 субгенотиплари кенгрок тарқалганлиги тасдиқланди. Олинган маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ВГВ D генотипи циркуляциясининг эндемиклигидан далолат беради.

Тақдим этилган 79 намунадан 53 тасида ВГВ мавжудлиги Сенгер бўйича секвенирлаш усули ёрдамида муваффақиятли тасдиқланди. Тадқиқотга

қониқарли сифатдаги ва сўнгги таҳлиллар учун муқобил бўлган давомийликдаги Pre-S1/Pre-S2/S соҳа нуклеотид кетма-кетлигидаги 49 та намуна киритилди. Бевосита антивирус дори воситалари билан даволанган беморлардан олинган намуналар аниқланганлиги сабабли, филогенетик таҳлидан иккита консенсус истисно қилинди (3-расм).



**3-расм. Мазкур тадқиқотда таҳлил қилинган ВГВ D генотиби изолятларининг GenBank халқаро маълумотлар базасига илгари тақдим этилган ВГВ изолятларининг кетма-кетлиги билан таққосланган филогенетик дендрограммаси**

Шартли белгилар: D1 субгенотиби белгиларсиз; ▲ – D3 субгенотиби;  
● – D2 субгенотиби

Эволюция тарихи Тамура-Ней моделига асосланган максимал ҳақиқатнамолик усули ёрдамида бажарилди. Бутстрап консенсус дараҳти 500 та такрорланишдан олинди ва таҳлил қилинаётган таксонларнинг эволюцион тарихини тақдим қилиш учун фойдаланилди. 50% дан камроқ юкланган репликаларга мос келувчи бўлимларнинг тегишли шохлари истисно қилинди. Таҳлилга 82 та нуклеотид кетма-кетликлар киритилди (53 та кетма-кетликлар тадқиқот изланишларидан ва 29 та референс консенсус GenBank халқаро нуклеотид кетма-кетликлар маълумотлар базасидан юклаб олинган).

Бўш жойлар ва етишмаётган маълумотларни ўз ичига олган барча ўринлар ўчирилди. Якуний маълумотлар тўпламида фақат 427 та ўринлар бўлди. Эволюцион таҳлил MEGA7 дастурида амалга оширилди.

Мазкур изланишда аниқланган ва GenBank халқаро маълумотлар базасида тақдим этилган изолятларнинг қиёсий филогенетик таҳлилида ВГВ D генотипининг ўхшашлиги юқори эканлиги қайд этилди. Бунда ВГВ D1 ва D3 субтипларининг ўхшашлиги эътиборни ўзига тортади. Бу ВГВ+Д ко-инфекцияли 68-чи изолят мисолида айниқса, сезилди ва Geno2Pheno воситаси ёрдамида D3 субгенотипи сифатида аниқланди, аммо филогенетик таҳлил натижасида D1 субгенотипи билан кластерланди.

Шунингдек, D1 субгенотипининг икки филогенетик шохга бўлиниши қизиқиш уйғотди. Уларнинг бири молекуляр тавсифига кўра D3 субгенотипига яқин бўлиб, D1 субгенотипи нуклеотид кетма-кетликларининг классик вариантларидан алоҳида кластерни ташкил этди. Ушбу шохда GenBank халқаро базасидан юклаб олинган нуклеотид кетма-кетликлар, 2002 ва 2006 йилларда Ўзбекистон ҳудудидан олинган изолятлар, Монголиядан олинган изолятлар ва ушбу тадқиқотда олинган 8 та изолятлар кетма-кетликлари кластерланди. D1 субгенотипининг иккинчи филогенетик шохиди мазкур тадқиқотда олинган консенсуслар, GenBank халқаро базасидан юклаб олинганлар Хитой, Судан, Туркия, Миср, Марокаш, Эрон изолятларининг нуклеотид кетма-кетликлари ҳамда 2002, 2006 ва 2008 йилларда Ўзбекистон ҳудудидан юклаб олинган изолятларнинг нуклеотид кетма-кетликлари билан кластерланди.

D3 субгенотипининг филогенетик шохиди ушбу тадқиқотда олинган, Африка ва Россия Федерациясининг Олтой ўлкаси ҳамда GenBank халқаро базасидан юклаб олинган ҳамда 2002 ва 2006 йилларда Ўзбекистондан олинган консенсуслар кластерланди. Ушбу кластернинг ички гуруҳий ўхшашлиги жуда юқори бўлди ва 99,0% дан ошди.

D2 субгенотипининг филогенетик шохиди ушбу тадқиқотда олинган консенсуслар, шунингдек, GenBank халқаро базасидаги Япония, Польша, Эрон, Россия Федерацияси (Олтой вилояти ва Красноярск шаҳри) ҳамда 2002 ва 2006 йилларда Ўзбекистондан юклаб олинган нуклеотид кетма-кетликлар кластерланди.

Филогенетик дендрограммада таҳлил қилинаётган ҳудуднинг юқори ўхшашликка эга бўлган оккульт вирусли гепатит В билан касалланган беморлардан олинган консенсуслар гуруҳлаштирилган кластер кўпроқ эътиборни тортади. Ушбу гуруҳдаги барча беморларнинг қон зардобиди HBsAg салбий бўлган, шунингдек, жигарда вирус ДНКси жуда паст даражаси қайд




этилди. Ушбу консенсусларнинг бундай яқин кластерланишини филогенетик таҳлил қилиш учун таҳлил қилинаётган ҳудуднинг 500 жуфт нуклеотид асосларидан кам бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу гуруҳнинг ўхшашлигини тўлақонли баҳолаш учун тўлиқ геномли секвенирлашни ўтказиш орқали янада чуқурроқ изланишлар олиб бориш зарур.

Олинган нуклеотид кетма-кетликларда мутацияларни ва бевосита вирусга қарши дориларга қарши мутацияларнинг мавжудлигини баҳолаш амалий соғлиқни сақлаш учун катта қизиқиш уйғотади. Зеро, айнан географик ҳудудга хос (инфекциянинг юқиш йўллари) дориларга чидамлик профилени аниқлаш тўғри давони тайинлаш натижасида беморларнинг ҳаёт давомийлиги ва яшаш сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Geno2Pheno воситаси ёрдамида бевосита вирусга қарши таъсир кўрсатувчи дориларга чидамлик мутацияларининг мавжудлиги аниқланмади. Бироқ тавсифий мутацияларнинг чуқур таҳлили ўтказилганда, қуйида батафсил баён этилган қизиқарли ўзаро боғлиқликлар аниқланди. Шунингдек, ВГВ зардоб маркерларининг мутациялар мавжудлиги/йўқлиги билан ўзаро боғлиқлиги чуқур таҳлил қилинди.

HBc ва HBsAg маркерларининг мавжудлиги билан RT домени делециясининг P5 делецияси мавжудлиги солиштирилганда статистик аҳамиятли натижалар аниқланди (4-расм). Бунда Йетс тузатишлари билан Пирсон усули орқали HBsAg мавжудлиги ва RT домени мутациялари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилганда сезиларли фарқлар аниқланмади.



**4-расм. P5 [n.d.] делецияси мавжудлигига боғлиқ ҳолда HBc маркери мавжудлигининг таҳлили**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, RT доменининг P5 делецияси вирусли гепатит Внинг оккульт шакли ривожланишида муҳим аҳамият касб этади

( $p < 0,001$ ) ва D генотипига боғланган, субгенотипга боғланмаган ҳолда (субгенотипнинг делеция мавжудлиги билан ўзаро боғлиқлиги баҳоланганда сезиларли фарқлар аниқланмади,  $p = 0,455$ ).

RT доменининг P5 делецияси мавжудлиги беморлар қон зардобида HBsAg йўқлиги билан боғлиқ ва бу ўз навбатида вирусли гепатит Вни одатий усуллар ёрдамида ташхислашни мураккаблаштирди. Y135S/F ва T127P мутацияларининг мавжудлиги D1 ва D3 субгенотипларига хос бўлди, D2 генотипида эса кузатилмади. A21S ва Q215H/P мутацияси D1 субгенотипи учун хос бўлмади. N248H мутациясининг мавжудлиги жигар фиброзининг ифодаланган даражаси билан ўзаро боғлиқ бўлди. Умуман олганда, вирусли гепатит Внинг оккульт шаклига RT доменининг A7T, N248H, S78T/Y, N76D мутациялари, P5 делецияси ҳамда SHB доменининг P70T, F20S, P11L, C69 мутацияларининг мавжудлиги хос бўлди. Ушбу мутациялар адабиётларда гепатит В вирусининг фитнессини камайтирувчи мутациялар сифатида таърифланган.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотда вирусли гепатит Внинг оккульт шаклида вирус фитнесси камайиши билан боғлиқ бўлган ГВВ геноми таркибида ўзига хос ўзгаришлар кузатилганлиги, шунингдек, одатий усуллар ёрдамида HBsAg мавжудлигини ташхислашнинг имконсизлигини хулоса қилиш мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

**«Вируснинг ковалент ёпиқ ҳалқасимон ДНК сини аниқлаш орқали гепатит В нинг яширин шакллари ташхислаш хусусиятлари»** мавзусида олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Оккульт гепатит В HCV этиологияли жигар циррози билан касалланган 72,2% беморларда ва номаълум этиологияли жигар циррозлари билан касалланган 76,1% беморларда аниқланди.

2. Генотипик манзара таҳлил қилинганда фақат D генотипи аниқланди. ВГВ D3 (9,4%) ва D2 (6,3%) субтипларига нисбатан D1 субтипи (84,3%) устунлик қилди.

3. Филогенетик таҳлилда ВГВ D1 ва D3 субтипларининг яқин ўхшашлиги аниқланди. Шунингдек, D1 субгенотипининг 2 та филогенетик шохга бўлиниши кузатилди ва улардан бири молекуляр-генетик хусусиятлари бўйича D3 субгенотипига яқин бўлди. Оккульт вирусли гепатит В мавжуд беморларнинг кетма-кетлиги гуруҳланган кластери таҳлил қилинаётган қисмнинг юқори ўхшашлиги билан фарқланди.

4. Олинган нуклеотид кетма-кетликларда бевосита вирусга қарши таъсир кўрсатувчи дориларга чидамлик мутациялар аниқланмади. Гепатит В нинг оккульт шаклида маркер профилининг ўзгариши билан боғлиқ мутациялар спектри аниқланди.

5. Real-time ПЗР усулидан фойдаланган ҳолда гепатит В вирусининг ҳалқали ковалент ёпиқ ДНКсини аниқлаш учун ишлаб чиқилган лаборатор-ташхисот алгоритми вирусли гепатит В нинг яширин шакллари аниқлаш имконини берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ,  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ  
ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И  
ПАЗАРИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВИРУСОЛОГИИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОГО СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОГО НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ЦЕНТРА ЭПИДЕМИОЛОГИИ,  
МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И ПАЗАРИТАРНЫХ  
ЗАБОЛЕВАНИЙ**

**КАЗАКОВА ЕВГЕНИЯ ИВАНОВНА**

**ОСОБЕННОСТИ ДИАГНОСТИКИ СКРЫТЫХ ФОРМ  
ГЕПАТИТА В ПУТЕМ ОПРЕДЕЛЕНИЯ  
КОЛЬЦЕВОЙ КОВАЛЕНТНО ЗАМКНУТОЙ  
ДНК ВИРУСА**

**03.00.04 – Микробиология и вирусология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ-2022**

The thesis of the doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No. B2018.2PhD/Tib608

The dissertation (PhD) has been prepared at the Research Institute of Virology of the Republican specialized scientific practical medical center of epidemiology, microbiology, infectious and parasitic diseases.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website of Scientific Council ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) and on the website of «Ziyonet» information and educational portal ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Scientific adviser:**

**Juraev Rivojiddin Khafuzullaevich**  
Doctor of Medical Sciences

**Official opponents:**

**Shadmanova Nargiza Abitovna**  
Doctor of Medical Sciences, docent

**Khegay Tatiana Rudolfovna**  
Doctor of Medical Sciences, professor

**Lead organization:**

**Yekaterinburg Research Institute of Viral Infections of the Federal Budgetary Institution of Science**

Defense will take place « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 at \_\_\_\_ at the meeting of Single Scientific Council DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.01 at the Tashkent Medical Academy, The Republican specialized scientific practical medical center of epidemiology, microbiology, infectious and parasitic diseases (Address: 100109, Tashkent city, Farobi 2. Tel/Fax: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Dissertation can be reviewed at the information Resource Center of Tashkent Medical Academy (is registered under number No \_\_\_\_ ) (Address: 100109, Tashkent, Farobi str., 2. Phone/Fax: (+99871)150-78-14).

Abstract of dissertation sent out on « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 y.

(mailing report No \_\_\_\_ on « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022y).



**L.N. Tuychiev**

Vice-chairman of the one-time scientific council on awarding of scientific degrees, Doctor of Medical Sciences, Professor

**N.U. Tadjieva**

Scientific secretary of the one-time scientific council on awarding of scientific degrees, Doctor of Medical Sciences, Associate Professor

**N.S. Atabekov**

Chairman of a one-time scientific council on awarding of scientific degrees, Doctor of Medical Sciences

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность проблемы и востребованность темы диссертации.** Проблема хронического вирусного гепатита В (ХВГВ) и его скрытой формы, характеризующейся сохранением ДНК вируса гепатита В в гепатоцитах у пациентов с негативным HBsAg, остается глобальной и злободневной. Скрытое течение вирусного гепатита В приводит к развитию таких осложнений как цирроз печени и гепатоцеллюлярная карцинома. По оценкам ВОЗ в 2015 г. «...вирусные гепатиты стали причиной 1,34 миллиона смертей... Большинство случаев смерти от вирусного гепатита в 2015 г. было вызвано хроническим заболеванием печени (720 000 случаев смерти от цирроза) и первичным раком печени (470 000 случаев смерти от гепатоцеллюлярной карциномы). В 2015 году во всем мире около 257 миллионов человек жили с хронической инфекцией ВГВ...»<sup>1</sup>. На сегодняшний день «...Распространенность скрытой формы ВГВ варьируется от 1% до 87% в разных странах. Распространенность скрытой формы ВГВ составляет 45,5% с генотипами В и С в Китае и 1,7% -6,6% с генотипом С2 в Южной Корее...»<sup>2</sup>. Таким образом, разработка и усовершенствование методов диагностики скрытой формы вирусного гепатита В становится приоритетным направлением практической медицины.

В мире, благодаря развитию высоких технологий, возможности их использования становятся доступнее. Так, стало возможным проводить ПЦР части генома ВГВ, интегрированной в гепатоцит для выявления скрытой формы течения ВГВ. Обнаружение кольцевой ковалентно замкнутой ДНК ВГВ возможно только в гепатоцитах, и является основным диагностическим маркером для постановки диагноза оккультный гепатит В. При этом, для практического здравоохранения и профилактики вирусного гепатита В, выявление пациентов со скрытой формой имеет весомое значение.

В настоящее время в стране проводятся широкомасштабные мероприятия по усовершенствованию системы здравоохранения, при этом особое внимание уделяется профилактическим мероприятиям, направленным на борьбу с инфекционной и неинфекционной патологиями. В то же время в системе здравоохранения реализуются масштабные программные мероприятия. В связи с этим, в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года определены следующие задачи, как «...расширение доступа населения к медицинским услугам, оказание специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи...»<sup>3</sup>.

---

